

1402 йил 20 июлда Амир Темур билан усмонли турк султони Боязид I йилдирим (1389—1402) кўшинлари ўртасида Анкара ёнида бўлган уруш. Унда хар иккй тарафдан 200 мингдан ортик аскар катнашди. Якин Шаркда усмонли турклар, шунингдек Миср султони ал-Фараж (1399—1405) нинг, шунингдек, жалоирийлар (1336—1432) ва коракуюнлилар (1380—1468) нинг сиёсий ва харбий кудрати ошиб, Темур империясининг жануби-гарбий вилоятларига хавф турдирганлиги бу урушнинг очилишига асосий сабаб бўлди. Амир Темур бу урушга карийб икки йилдан ортик тайёргарлик кўрди: ўша йиллари Кичик Осиё ва Сурияниинг бир катор шахарлари (Сивас, Халаб ва х. к.) ни ишгол килди. Урушга Боязид I хам пухта тайёрланиб, Сивасдан 150 км гарбда Амир Темурнинг отлик кўшинлари учун нокулай бўлган ўрмонзор тог ёнбагрида шайланиб турди. Амир Темур Боязид I кўшинлари билан бу ерда жанг килиш режасидан воз кечиб, ўз кўшинларини Кизил ирмок дарёсининг сўл сохилидан туркларнинг орка томонига олиб ўтиб, Анкарани куршаб олди. Боязид I оркага кайтишга ва ўзи учун нокулай шароитда жанг килишга мажбур бўлди. Жанг 11 июль тонгда усмонли турк кўшинларининг хужуми билан бошланди. Турклар Амир Темур кўшинларининг ўнг канотидан хужум килдилар ва унинг орка тарафига ўтиб, асосий кучларнк эхтиётдаги кисмлардан ажратиб кўймокчи бўлдилар. Лекин бу хужумни Темурнинг отлик кисмлари кайтара олди. Шундан сўнг ўнг канотдаги кўшинлар тўхтовсиз карши хужумга ўтиб, туркларнинг асосий кучларини эхтиётдаги кисмлардан ажратиб кўйди ва уни куршаб олди. Темурнинг манглай ва сўл канот кисмлари кам хужумга ўтиб, турк кўшинининг иккала канотини тор-мор этди. Уларнинг марказдаги сара кучлари хам янчиб ташланди. Турк кўшинларининг омон колган кисмлари тумтаракай коча бошладилар. Боязид I нинг ўзи асир олинди. Амир Темур лашкарлари Боязид I кўшинларининг колган-кутган кисмини таъкиб зтиб, Туркиянинг шахарларидан Бурса (Брусса)ни эгаллади ва Мармар денгизи сохилларига чикиб олди. Боязид I ва кўшинларининг маглубияти усмонли турк империясининг марказлашувини, Константинопол (Стамбул) нинг турклар томонидан босиб олинишини тўхтатди.

Бўривой Ахмедов